

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кашқадарё КФУК директори



К.Махкамов
2022 йил

**Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- 1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
- 2. Техник қисм**
- 3. Нархлар қисми**

Танлов иштирокчиси учун йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунга асосан хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2018 йил 26 майда №3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий агентлиги "Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги" тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.1 Танлов предмети:

- Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21-22 апрель кунлари Қашқадарё вилоятига ташрифи ва Ҳалқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида берилган топшириқлари бўйича 35-сонли йигилиш баёнига асосан Қашқадарё вилоятидаги умумфойдаланув автомобиль йўларидаги кўприклар қуришда керак бўладиган Д-1020 мм қалинлиги 12 мм металл труба етказиб бериш бўйича ишлари учун умумий қиймати 102 120 000 (бир юз икки миллион бир юз йигирма минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.2 Бажариладиган ишлар бўйича техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинади.

1.3 **Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

1.5 Ишларни бошлаш муддати-шартнома тузилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси (бундан кейин – "Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчisi ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили Қашқадарё вилояти Китоб тумани Буюк ипак йўли кўчаси 1-уй Эл.адрес: Kashkxstfk@mail.ru

2.2 Танлов "Буюртмачи" томонидан танлов ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда. Белгиланган муддаларда ўтказилади.

2.3 Танлов Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси биносида "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. Танлов иштирокчилари

3.1 Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматчилар кўрсатишга ихтисослашган камида 3 йил тажрибага эга бўлаган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда эштирок этиш учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

- танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз микдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга ғазначилик кафолатномаси ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларининг мавжудлиги:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқуқий лаёқати ва ваколатлар;

- танлов объектларига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги

- ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда):
- низом маблағ миқдори:

3.3 Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлга. танловда иштирок этиш учун телгиланган тартибда мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабларга рухсат этилади.

3.4 Кўйидаги талабларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.

- қайта ташкил этилиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатилиш ёки банкротлик арафасида турганлар:

- мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

4.1 Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (Etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2 Танлов ва таклифлар унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3 Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ва ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади)

4.4 Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади
- таклифлар бериш муддати тугунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

5. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1 Давлат харидлари тўғрисидари Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошқа шартлар.

6.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 3 кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартириш киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлга танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунириш талаби билан буюртмачига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки куни ичida давлат буюртмачисида сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачисига, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида 2 кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши

шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3 Таклифлар кўриб чиқиб ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан 3 иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан 3 кун ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов жужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилна таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

№	Товар номи (хизмат)	Товар(хизмат)лар коди ва номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1	Д-1020 мм толщ 12 мм металл труба	25.99.29.190-00035 - металл труба	пог/метр	24

Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш
унитар корхонси бош мухандиси

Н.Вохидов

Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш
унитар корхонси таъминотчиси

М.Ашуров

Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш
унитар корхонси сифат назоратчиси

Т.Ахмедов

Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш
унитар корхонси гараж мудири

М.Халимов

Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш
унитар корхонси иш юритувчиси

А.Гайиров